

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 28 (11.089)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Душ Кўни

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА
ЮРТИМИЗДА ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-
ТАРБИЯСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН
БИРИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ.
ЁШЛАРИМИЗНИ ҲАР ЖИХАТДАН
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ЎЗ
ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОДИНИ
НАМОЁН ЭТИШИ УЧУН БАРЧА
ШАРТ-ШАРОИТНИ ЯРАТИШГА
АЛОҲИДА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛМОҚДА. ЎЗ НАВБАТИДА
ЁШЛАРИМИЗ ҲАМ ИЛМ-ФАН ВА
БОШҚА СОҲАЛАРДА ЭРИШАЁТГАН
ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ДАВЛАТИМИЗ
ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН
ҒАМҲУРЛИККА МУНОСИБ ЖАВОБ
БЕРМОҚДАЛАР.**



2008 — Ёшлар йили ОРЗУЛАРИ ОСМОН

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети аспиранти Пўлат Эргашев ана шундай ёшлардан. У Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига уч марта — бакалаврият, магистратура ҳамда аспирантура йўналишида сазовор бўлган.

Пўлат Эргашев пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 160-мактабнинг тўққизинчи синфини аъло баҳоларга таълаб, 1997 йилда Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейнинг кимё-биология факультетига ўқишга қабул қилинди. Сўнг Тошкент давлат педагогика университетининг педагогика-психология факультетига бакалаврият босқичида ўқиш жараёнида талабалар ўртасида ўтказилган республика фан олимпиадаларида ўз йўналишида тўрт марта — 2000, 2001, 2003, 2004 йилларда биринчиликини қўлга киритди. Натигада етук олимлар, педагоглар эътиборини қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бакалаврият босқичида таълим олаётган талабалар учун таъсис этилган стипендияси танловида Пўлат 2002 йили «Педагогика» йўналишида муваффақиятли иштирок этди. Танловда П.Эргашевнинг ўсирилган психологиясини мукаммал ўрганишга бағишланган илмий тадқиқоти ўзининг долзарблиги, мавзуга янги ёндашуви боис юқори баҳоланди. Бу эса Пўлатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендианти бўлишида муҳим омил бўлди.

2004 йили ушбу нуфузли стипендиянинг талаба-магистрантлар учун ўтказилган иккинчи бешлашувига эса ўш тадқиқотчи «Педагогика-психология» йўналишида иштирок этди. Ўз илмий ишида бугунги глобаллашув шароитида

тобора авж олаётган ахборот-психологик таҳдидларнинг ёшлар онг шуурига таъсири, бу жараённинг салбий оқибатлари, ёш авлодни бундай мафкуравий хатарлардан химоялашнинг долзарб психолог масалаларини акс эттирди. Тадқиқотчи улғайиб келаётган авлодни миллий менталитетимиз, маънавиятимизга, ҳаёт мезонларимизга зид бўлган мафкуравий хуржлардан асрашда Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк мутафаккирларнинг бой илмий меросига таяниб иш тутуш ижобий самаралар беришига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендианти учун 2007 йилда аспирант, докторант ва тадқиқотчилар ўртасида ўтказилган республика фан олимпиадада П.Эргашев «Педагогика, психология, таълим ва тарбия» йўналиши бўйича голиб чиқди. У олиб бораётган илмий тадқиқот инсон ҳақидаги илк таассуротнинг давомийлигида шахс ролига бағишланган. Бу изланиш ёшлар шахсини шакллантириш, уларда ўз-ўзига бўлган талабчанлик, масъулият ҳиссини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Эътиборга молик жиҳати П.Эргашевнинг тадқиқотлари мазкур университетнинг «Бакалаврият психологияси» йўналишида махсус курс сифатида қўлланилмоқда. Бу изланишлар ўтган йили Москва давлат университетининг бўлиб ўтган педагог-психологларнинг халқаро семинарида ҳам мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

— Психология фанининг мураккаблиги шунда намён бўладики, бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижаси бир неча йиллар мобайнида юзага чиқарилди, — дейди Пўлат Эргашев. — Аммо, бундай изланишлар

самарали бўлса, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, оилавий, шахсларо муносабатларни соғломлаштириш, салбий мафкуравий-маънавий таъсирлардан химояланиш, ёшлар ва ўсирилган ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Университетда таълим олишни амалиёт билан узвий боғлаган ёш тадқиқотчи ўзи ўқиган мактабда психолог сифатида фаолият кўрсатмоқда. У соҳага оид илмий-амалий конференциялар, ўқув семинарларида илмий маърузалари билан фаол қатнашиб келади. Пўлат Эргашевнинг таъкидлашича, ёш авлод тарбияси, маънавияти билан узвий боғлиқ бўлган педагогика фанини психологиядан айрича ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, болада мукаммал билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, уни комил шахс этиб тарбиялашга, аввало унинг руҳий-маънавий дунёсини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш орқали эришилади. Ёш тадқиқотчининг илмий изланишлари моҳиятан ана шу мақсадни қўзғаш билан ҳам аҳамиятланади.

— Президентимиз Ислам Каримов томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва иқтисодий қадриятининг этмоғимиз, бизга билдирилган юксак ишончнинг фидойий меҳнатимиз, аъло ўқишимиз ва илмий тадқиқотларимиз билан оқламоғимиз фарзандлик бурчимиздир, — дейди П.Эргашев. — Мен келгусида ўз илмий ишларимни изчил давом эттиришни, бор билимимни юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар тайёрлашда етакчи олий ўқув юрти ҳисобланган университетимизнинг талабаларига сабоқ беришга сарфлаш ниятдаман.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**

2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қайд этилдики, 2007 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий барқарорлиги таъминланди, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди. Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 9,5 фоизга ўсди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 12,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги бўйича — 6,1 фоизни, қурилиш ишлари бўйича — 15,7 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича — 21,0 фоизни, пулли хизматлар курсатиш бўйича — 20,6 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси тасдиқланган прогноз кўрсаткичдан ошмади.

Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар натижасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига айланди. Қишлоқда бозор инфратузилмаси амалда янгидан барпо этилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосида олиб борилди, тармоқни бошқариш тамойиллари ва тизими ўзгармоқда.

Мамлакат иқтисодиётида юз бераётган жиддий таркибий ўзгаришлар ташки иқтисодий алоқалар кўрсаткичларида аниқ акс этди. Экспорт ҳажми ўсишининг юқори суръатлари (40,7 фоиз) ҳисобига тўлов баланснинг барқарорлиги ва мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг сезиларли даражада ўсиши таъминланди. Экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар улуши 38 фоиздан ортиқ бўлди. Мамлакатнинг ташқи қарзлари ҳажми ва унга йиллик жорий хизмат қўрашиш даражаси энг паст кўрсаткичларга эга.

Иқтисодиётга инвестиция қилиш умумий ҳажми 2007 йилда 23 фоизга ўсди. Инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиги ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, шу жумладан 50 фоизга яқини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишга йўналтирилди. Бунда ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 58 фоиздан ортиқ ўсгани ҳолда 1 млрд. доллардан ортиқ бўлди. Уларнинг қарийб 76 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича қўнучиликни мустаҳкамлаш, солиқ юқини ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил қамайтириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш ишлари давом эттирилди. Давлат мулкисини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилди.

Банк-молия тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўламлигини кенгайтириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини, капиталларнинг даражасини янада ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш имконини берди. Ўтган йилда тижорат банкларининг устав сармоясига қарийб 2 баравар ўсди.

Аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш муаммолари аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ва изчил ҳал этилмоқда. Ўтган йилда қўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойлардадир, ўртача ойлик реал иш ҳақи 47,2 фоизга кўпайди ва 2007 йил декабрь ойида 210 АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорни ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти тизимлари ва ижтимоий инфратузилмани бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес соҳасини, савдо тармоғини ва умуман инфратузилмани ривожлантиришга, минтақаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга эътиборнинг етарли эмаслиги оқибатида бир қатор маҳаллий таъдирларнинг, энг аввало, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятларида ва кўпгина қишлоқ туманларида дотация олиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари кескинлигича қолмоқда, бозор инфратузилмаси, аудиторлик, суғурта, лизинг фаолияти, айниқса, қишлоқ жойларда ҳали ҳам етарлича ривожланмаётган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати алоҳида тавбиш уйғотмоқда. Ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизи шўрланиш даражаси ва сизот сувлар сатҳи юқори бўлган мелиоратив ҳолати ёмон ерлардир. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятларида ва бошқа бир қатор вилоятларда визият ўта мураккаблигича қолмоқда.

2. Куйидаги 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгиланди:

макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиётни ўстиришнинг барқарор ва мувозанатлашган суръатларини таъминлаш, жалб қилинадиган хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўлайтириш ҳисобига таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш;

ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар курсатиш соҳасини ва касаначиликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Фарғонада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот-коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида конференция ўтказилди. У давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгиланган долзарб вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти мавзуга бағишланди.

●Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари ҳамда тизим ўқув юртлири раҳбарлари иштирокида ДСҚ хайъатининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.

●Жиззах шаҳрида қишлоқ, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимлари ва раҳбарлик малакаларини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинар ўтказилди.

●Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги «Дилрабо СДА» кўп тармоқли хусусий фирмаси жамоаси Москвадаги «Евроазия центр» МЧЖ билан тикувчилик махсулотларини етказиб бериш юзасидан 4 миллион долларлик шартнома имзолади.

●Ўзбекистоннинг йирик мобил алоқа компанияси «МТС-Ўзбекистон» абонентлар базаси 3 миллионга етди. Айтиш керакки, сўнгги етти ой мобайнида абонентлар сони 1 миллионгага кўпайди.

●Ёшлар йили бошларида Сирдарё вилояти, Ширин шаҳрида истикомат қилувчи 6 нафар ёш оила уй-жой билан таъминланди, улардан биттаси имтиёзли ипотека кредити ҳисобидан уйли бўлди. Айтиш пайтда шаҳардаги қурилиш тугалланмаган 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли бинода қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

●«ЎздЭУ» автомобиллари учун бутловчи деталлар ишлаб чиқарувчи Асакадаги «Меридиан» кичик корхонаси 2008 йилда 650 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ҳозирда 20 хилдан ортиқ автомобиль деталларини тайёрлаётган мазкур корхона ўтган йили 597 миллион сўмлик буюртмаларни бажарган.

●Шаҳрихон туманидаги Холдевонок ва Найнаво қишлоқларининг 9 мингга яқин аҳолиси «Холдевонок-М» корхонаси маблағлари ҳисобига бунёд этилган икки янги мини-маркетлардан озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини харид қила бошлади. Ёшлар йили муносабати билан ушбу корхона қишлоқ ёшлари учун спорт мажмуасини қуришни ҳам режалаштирмоқда.

ЖАҲОНДА

●Кеча Москвада Россия ва Украина президенти ўзаро учрашди. Кўп соатли музокаралар чоғида жумладан, энг муҳим масала — Украинанинг Россия газидан қарздорлиги муаммоси ҳал этилди. Хусусан газ соҳасида 2008 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тамойиллари тўғрисида келишиб олинди. Бугундан бошлаб Украина Россияга газ бўйича қарзларини 2007 йил нархлари бўйича узини бошлади.

●БМТнинг қуролсизланиш бўйича конференциясида Россия ва Хитой космосга қуролроғ жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги халқаро шартнома лойиҳасини киритишди. Унда шунингдек, комитет объектларига қарши ҳарбий кучларни қўллашга ҳам тақиқлов қўзда тутилган.

●Кеча Жанубий Корея полицияси Сеулдаги қадимий тантаналар дарвозасига ўт қўйганликда гумон билан 70 ёшли Чхэ фамилияли фуқарони қўлга олди. Унинг уйи текширувдан ўтказилганда полиция ёнилғи модда ва чарм қўлқопларни топди. Аниқланишича, гумондор 2006 йилда ҳам Сеулдаги император саройини ёқмоқчи бўлганида ушланган экан.

●Боливия Президенти бир неча ойдан буён давом этиб, 51 кишининг ҳаётига зомин бўлган ҳамда 47 минг кишига жабр етказган сув тошқинлари туфайли мамлакат ҳудудини табиий офат зонаси деб эълон қилди.

●Кеча Доғистонда амалга оширилган махсус операция чоғида 3 та хавфли жангари йўқ қилинди. Жангарилар билан тўқнашув чоғида 3 нафар махсус хизмат вакили яранди, 1 нафар федерал хавфсизлик хизмати ходими ҳаётдан кўз юмди.

●Кеча Париждаги Арли аэропортида авиадиспетчерларнинг иш ташлашлари туфайли ҳаво рейсларининг ярмиси бекор қилинди. Иш ташлаш яна икки кун давом этиши мумкин.

●Швейцария пойтахти Цюрих шаҳридаги тасвирий санъат музейида «аср ўғирлиги» содир этилди. Музейга кирган уч никобли ўғри Винсент Ван Гог, Клод Манэ, Пол Сезанн ва Эдгар де Га каби машҳур импрессионистларнинг тўртта қимматбаҳо асарларини ўғирлаб кетишган. Ушбу ноёб асарлар 163 миллион доллар қийматида баҳоланмоқда.

●Буюк Британияда «Битлз» ансамблининг собиқ аъзоси Пол Маккартни ҳамда унинг рафиқаси Хизер Миллс ўртасида ўта шов-шувли никоҳни бекор қилиш маросими бошланди. Маълумотларга кўра Хизер ўз турмуш ўртоғидан бир неча ўн миллион доллар миқдорда тавон пули тўлашни талаб этмоқда. Суд жараёни бир ҳафта давом этади.

Қасқа сатрларда

●ТАДБИРКОРЛАР

ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан партия аъзолари, фаоллари ва ёшлар иштирокида ўзлаштирилган тадбирда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ривожлантиришда сиёсий партиянинг роли, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

●ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ

уяли алоқа компанияси «UZNET» филиали ташаббуси билан эълон қилинган «Йил абоне-

ти» акцияси голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

●АБДУЛЛА

Аволний номидаги халқ таълими педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказилган тадбир Алишер Навоий асарларининг талқини ва бу асарларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятига бағишланди.

●РЕСПУБЛИКА

Марказий банкда соҳа мутахассислари иштирокида ўтган йил якунлари ва жорий йил режалари муҳокамасига бағишланган бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

●ЎЗБЕКISTON

футбол федерациясида мутахассислар Ўзбекистон миллий терма жа-

моаси мураббийлари иштирокида ўтказилган тадбир терма жамоасининг Ливанда уюштирилган жаҳон чемпионатиغا саралаш ғруҳи баҳсидаги иштирокига бағишланди.

●ЎЗБЕК

Миллий академик драма театрида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкиллаштирилган адабий кеча «Алишер Навоий ёдуси» деб номланди.

●ЧИЛОНЗОР

туманида мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодий меросини яна-

да чуқурроқ ўрганишнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда «Бешёғоч», «Олмазор», Гафур Фулом маҳаллалари фаоллари, ёшлари ҳамда Муқимий номидаги мусикали драма театри актёрлари иштирок этишди.

●ҲАМЗА

туманида «Тенгдош» маданият уйида моҳир кўлар тўрагининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

●САМБО

бўйича шаҳримизда аёллар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати бахслари якунланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбиримиз хабарларидан).

2008 йилда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ВА ЙўНАТИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишни таъминлаш;
«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бутун Дастурнинг ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларининг марказига энг муҳим устувор вазифа — инсон манфаатлари устуворлиги қўйилган.

Белгиланган устувор вазифаларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қарор қабул қилинди:

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва соҳаларда, республика ҳудудларида ислохотларнинг чуқурлаштирилиши аҳолининг таъминоти таъминоти қилсинлар ҳамда 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишлари амалга оширилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар, уларни бажаришини аниқ муддатларини ва масъул ижрочиларини, шунингдек, ушбу вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилиш механизминини белгиласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Фаниев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев) ва Давлат божхона қўмитаси (Носиров):

ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларининг амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар, бунда ажратилаётган маблағлар, ресурслар ҳамда берилаётган имтиёزلардан мақсадли ва самарали фойдаланилишига, манфаатдор хорижий инвесторларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратсинлар; лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда белгиланган муддатларда лойиҳаларнинг ТИА/ТИХлари ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилишини, тендер тартиб-таомиллари амалга оширилишини, контрактлар тузилишини ҳамда лойиҳаларнинг ТИА/ТИХлари узил-кесил параметрларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича тармоқ дастурларининг бажарилишини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Гуськова), Марказий банк (Муллажонов), Иқтисодиёт вазирлиги (Сайдова), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Фуломов) бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига жамғарманинг функциялари ва воялатларини кенгайтириш, унинг ресурсларини кескин кўпайтиришнинг қўшимча манбалари, жамғарма маблағлари ҳисобига, шунингдек, хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати бўйича тақлифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Фаниев) манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

2008 йил 1 мартгача бўлган муддатда — 2008 йилда санаот ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказиш, ишчи аппаратига эга бўлган, доимий фаолият кўрсатадиган санаот кооперация биржасини ташкил этиш, ишчи аппаратига республика корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйишда кўмаклашиш функциясини оқлаш бўйича ҳўкумат қарори лойиҳасини;

бир ой муддатда — 2008-2010 йилларда маҳаллий ҳомашё неғизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳасини;

бир ой муддатда — 2008-2012 йилларда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳўкумат қарори лойиҳасини;

2008 йил 1 июнгача бўлган муддатда — ўрта муддатли истикболга мўлжалланган ва инновация технологиялари ишлаб чиқилиши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилишини рағбатлантиришдаги механизмлар яратилишини назарда тутадиган инновация технологияларини ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини;

2008 йил 1 июлгача бўлган муддатда — энергетика тармоқларини, сув билан таъминлаш, канализация тизимларини, автомобиль ва темир йўллар шохобчаларини, биринчи навбатда, қишлоқ туманларида янгилаш ва кенгайтиришга, шу жумладан кейинчалик ушбу зоналарда янги санаот ишлаб чиқаришларини жойлаштиришга йўналтирилган ўрта муддатли Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Давлат мўлки қўмитаси (Мусаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Адлия вазирлиги (Мухитдинов), Олий ҳўжалик суди (Ишметов) иштирокида 2007-2010 йилларда Хусусийлаштириш дастури ва инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг ҳолатини танқидий таҳлил қилсин ҳамда икки ой муддатда амалдаги қўнун ҳўжатлари нормаларини тақомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифлар киритсин, бунда:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига мажбуриятлар олаётган ишончли ва масъулиятли хусусий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини, хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали ва молиявий барқарор фаолиятини ташкил этиш бўйича қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари сўзсиз бажарилиши учун янги мулкдорларнинг иқтисодий ва юридик жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Марказий банк (Муллажонов) бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда — Вазирлар Маҳкамасига янги таҳрирдаги Солиқ кодексини амалда рўёбга чиқариш мониторингини бўйича махсус Идораларга гуруҳ ташкил этиш юзасидан тақлифлар киритсинлар ва зарурат бўлса, Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодексининг айрим нормаларини ва қоидаларини янада тақомиллаштиришга йўналтирилган тақлифларни тақдим этиб борсинлар;

бир ой муддатда — ҳалқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизминини янада тақомиллаштириш, янги ташкил этилган газначилик органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

бир ой муддатда — молия-банк, аудиторлик ва сўғурта фаолиятини ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурлари бажарилишини таҳлил қилсинлар ва тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасига сўғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари, тижорат банклари фаолиятини қўшимча рағбатлантириш, уларнинг капиталлашувини, инвестиция фаоллигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, улар томонидан аҳолига ва ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилмаётган хизматлар ҳажми ва турларини, айниқса, қишлоқ жойларда кенгайтириш бўйича тақлифлар киритсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) маҳаллий бюджетларнинг дотация олишини қисқартириш тўғрисидаги масалани 2008 йилнинг I чораги якунлари бўйича ўз мажлисида алоҳида кўриб чиқсин ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, савдо тармоғи ва умуман инфратузилмани ривожлантириш, минтақаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича вилоятлар ва туманлар бюджетлари даромади ўсишини таъминлайдиган аниқ қарорлар қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Адлия вазирлиги (Мухитдинов) Ўзбекистон республика товар-ҳомашё биржаси (Тўхтабоев) ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда — Вазирлар Маҳкамасига Монополиядан чиқариш,

рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳар ойлик жадаллар асосида монопол маҳсулотларни мавсумий таълабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартибини киритсинлар. Жадалларнинг бажарилиши натижалари тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин;

бир ой муддатда — республикада рақобат муҳитини шакллантириш масалалари бўйича ишларнинг аҳолини танқидий таҳлил қилсинлар, айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга берилган имтиёزلарни пухта инвентаризация қилсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига айрим тармоқларда иқтисодиётнинг монополияшуви даражасини қисқартиришга, бозорнинг барча қатнашчилари учун тенг рақобат шароитларини таъминлашга йўналтирилган аниқ тақлифлар киритсинлар.

11. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) «Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»-ги ва «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»-ги қўнунлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Азимов) сўғурталовчилар уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш ва иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилишини тақомиллаштирилган тизимини ташкил этиш бўйича норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар пакети ишлаб чиқилишини, тегишли қўнунлар қабул қилингандан кейин бир ой муддатда уларнинг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Фаниев), Мехнат ва аҳоли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазирлиги (Хайтов) бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда — Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш янада рағбатлантириш бўйича тақлифлар киритсинлар, бунда 2008 йилда янги ички маҳсулотда уларнинг улушини 48 фоизгача, 2010 йилда 50-52 фоизгача етказиш назарда тутилсин;

2008 йилнинг I майгача бўлган муддатда — шаҳарлар ва қишлоқ туманлари аҳолисининг сифатли ичимлик суви билан таъминлишини яхшилашга ва газни теҳамли ишлаштиришга йўналтирилган янги лойиҳаларни халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

икки ой муддатда — 2008-2010 йилларда республика минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар, уларда кичик бизнес, касаначилик, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш асосида аҳоли турмуши сифатини янада яхшилаш, бандлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутсинлар. Бунда шаҳарлар ва туманларда экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш бўйича замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга устувор аҳамият берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқланган ҳудудий дастурларнинг амалга оширилишини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Исмоилов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хайтов), Ёр-мўй ва озиқ-овқат санаоти уюшмаси (Ғафуров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликлариде чорва моллари бош сонини кўпайтиришни ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кенгайтиришни янада рағбатлантириш юзасидан тақлифлар киритсинлар.

14. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) тегишли тузилмалар билан биргаликда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бошқарув органлари раҳбарлик лавозимларини вазирликлар ва идоралар марказий аппаратларининг жойларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг иш билан бандлиги, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож-

лантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, ушбу мақсадлар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишни таъминлашга қодир бўлган ёш, юқори малакали, профессионал тайёрланган ва тажрибали мутахассислар билан тўлдирish механизминини ишлаб чиқсин ва тизимли асосда амалиётда кенг қўлласин.

15. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Азимов), Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Исмоилов) иштирокида 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастурда белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши, шу жумладан:

суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар ва имтиёзли кредитларни қўшимча равишда жалб этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўриш;

2008 йилда мелiorация объектларини таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек, реконструкция қилиш ва қўриш бўйича назарда тутилган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳўжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилиши, сифатли амалга оширилиши;

замонавий мелiorация техникаси, машиналар ва бошқа механизация воситалари билан, шу жумладан лизинг асосида жиҳозланган, ишончли сервис хизмати билан таъминланган иختисослаштирилган пудрат ташкилотларининг ташкил этилиши;

мелiorация ишларини молиялаштириш механизминини тўдан тақомиллаштириш, Молия вазирлиги ҳўзуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ресурсларини ўз вақтида ва барқарор шакллантириш, Дастурда назарда тутилган мелiorация ишларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ишлари натижалари ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳокама қилинсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари «Ёшлар йили» Давлат дастури бўлими ва бандларининг белгиланган муддатларда тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар.

Бунда амалдаги қўнун ҳўжатлари ва норматив-ҳўқуқий ҳўжатларга қўшимчалар ва ўзгартiriшлар киритишга, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш даражасини оширишга ва шу асосда таълим жараёни сифатини тўдан яхшилашга, болаларнинг истеъдоди ва қобилиятини барвақт аниқлаш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Парпиев), Халқ таълими вазирлиги (Жўраев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хайтов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда бугунги кунда мутахассислар тайёрлаш ишларининг аҳоли инвентаризация қилсинлар ва пухта ўрганиб чиқсинлар, ҳар бир мутахассислик бугунги куннинг реал талабларига қанчалик жавоб беришини ва уларга бўлган талабни аниқласинлар ҳамда шу асосда Вазирлар Маҳкамасига иختисосликларга тўзатиш киритиш ва уларни ўзгартiriш бўйича, зарур бўлган жойларда эса айрим ўрта махсус, касб-ҳўнар ўқув юртларини қайта иختисослаштириш юзасидан тақлифлар киритсинлар; янги умумтаълим мактаблари, лицейлар ва касб-ҳўнар коллежларини фойдаланишга топшириш, фаолият кўрсатаётганларини мукамал реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича 2008 йил учун белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласинлар, бунда 2009 йил якунларига кўра ўқувчиларнинг бепул мажбурий умумий ва уч йиллик махсус, касб-ҳўнар таълими билан тўлиқ қамраб олинишига эришишни назарда тутсинлар.

18. Мазкур Дастурнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасига (Ш.М.Мирзиёев) ҳар чоракда кенгайтирилган мажлисларда вазирликлар, идоралар ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарларининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари Дастурда назарда тутилган топшириқлар ва вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш юклансин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР, НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҚўМИТАСИНING ЙИГИЛИШИ БўЛИБ ўТДИ.

Мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2007 йилдаги фаолиятига оид масала муҳокама этилди. Вакил С.Рашидованинг шу ҳақдаги ҳисоботи тинланди. Йиғилишда омбудсман институтини ўтган вақт давомида ўз фаолиятини мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий ҳўқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида тўпланган тажрибадан, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик шакллари ва механизмларидан унумли фойдаланган ҳолда амалга оширгани таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қўнун ҳўжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан парламент назоратини олиб боришда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўзига берилган воситалар ёрдамида нафақат бузилган ҳўқуқларнинг тикланишига, балки Ўзбекистон Республикасининг қўнун ҳўжатларини янада тақомиллаштиришга ҳам кўмаклашмоқда.

Тадбирда фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш борасида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг давлат органлари, ташкилотлар, судлар ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бераётгани қайд этилди. Ўтган йили омбудсманга 8611 фуқародан муурожаат тушди. Муурожаатлар эгаларига ҳўқуқ ва эркинликларни ҳамда қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан юридик маслаҳат ва тушултиришлар берилди.

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборлидир. Унинг ушбу соҳада амалга ошираётган ҳамкорлиги юртимиздаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидан жаҳон жамоатчилигини хабардор қилишга, чет мамлакатлар омбудсманлари ва инсон ҳўқуқлари бўйича институтлари билан алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилаётгани таъкидланди.

(ЎЗА)



Кўргазмалар

КИШИНИ МУЛОҲАЗАГА ЧОРЛОВЧИ АСАРЛАР

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ЎЗБЕКИСТОН — ВЬЕТНАМ ДўСТИЛК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН «ВЬЕТНАМ — АЖДАРЛАР ВА СУВ ПАРИЛАРИ ЎЛКАСИ» НОМИЛИ БАДИИЙ СУРАТЛАР КўРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Шуни таъкидлаш керакки, Жануби-шарқий Осиё фотография усталари Вьетнам халқининг ўзига ҳос туриш-турумуши ва санъатидан ҳикоя қилувчи ўз ишлари билан бадиий фотография мухлисларини бир неча бор ҳушнуд этганлар. Бу галли кўргазмадан ўрин олган гуруҳ еттиштирувчилар ва баллиқчиларнинг мураққаб меҳнати, замондошларимизнинг руҳий портретлари ҳусусида ҳикоя қилувчи асарлар шулар жумласидандир.

Тан Миннинг «Уқувчи ва ўқитувчи», Бао Хунгнинг «Ишга отланиб», Нгуеннинг «Кўёш ботишидаги рақс», Нгок Тханнинг «Дарё бўйидаги аёл» каби асарлари мухлисларни ўйлантиради, мушоҳадага қорлайди. Вьетнам суратқашлари асарларининг кўргазмаси ҳамшаҳарларимизда катта кизиқчи ўйғотмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат

Таълим

ГРАНТ МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН

ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎЗИНИНГ БОЙ ЎҚУВ-МОДДИЙ НЕГИЗИГА ЭГА. УНДАГИ ХОНАЛАР, ЎҚУВ ЛАБОРАТОРИЯСИГА ЗАМОНАВИЙ АСБЎ-УСКУНАЛАР ўРНАТИЛГАН.

Шуни мамнунят билан айтиш жоизки, бу хил кўргазмалар ўқув қуроллари орасида четдан олиб келинганлари анчагина. Жанубий Кореяда тайёрланган техника воситаларидан эса физика, кимё, биология ва электрон техникага оид машғулотларда фойдаланилмоқда.

Коллеж жамоаси намунали фаолияти учун Япония грантини ҳам кўлга киритди. Ушбу маблағ ҳисобидан ҳам анчагина ўқув жиҳозлари харид қилинади. Мазкур техникалар ёрдамида 40 номдаги ун ва қандолат маҳсулотларини тайёрлашга эришилди. Янги ўқув адабиётлари кўргазмалари қуролларни сотиб олишда грант маблағидан фойдаланилди.

Акбар АЛИЕВ

Маънавият — ақл кўзгуси

ҲАЗРАТ НАВОИЙНИНГ ТАВАЛЛУД САНАСИ ХОРИЖДА ХАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ, МУТАФАККИР ВА ДАВЛАТ АРБОБИ, ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ АСОСЧИСИ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 567 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ТАДБИРЛАР ЎТҚАЗИЛДИ.

Исломободда Покистон адабиёт академияси ва «Марказий Осиё — Покистон» маданий форуми Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференцияни ўтказди.

Унда Покистон сиёсий партиялари, таҳлил марказлари, оммавий ахборот воситалари ва хорижий дипломатия ваколатхоналари, шунингдек «Осиё цивилизациялар жамоияти» ва «Покистон ёзувчилар уюшмаси» каби ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда «Осиё цивилизациялари жамоияти» президенти, профессор Зулфиқор Курайший ва вице-президенти, профессор Розия Султон хоним, Покистон адабиёт академияси раиси доктор Ифтихор Ориф, Покистон телерадиокомпанияси урду тилидаги адабий дастурлар директори, туркшунос олим Уғуз Биллоларнинг ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг жаҳон ва ўзбек адабиётида тутган ўрни ҳамда баъдий мероси бойитишга қўшган улкан ҳиссаси тўғрисидаги илмий маърузалари тингланди.

Конференция доирасида А.Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Алишер Навоий, Амир Темур ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг маданий ёдгорликларига оид фото кўرғазма ва Алишер Навоийнинг «Хамса» асарига бағишланган миниатюралар намойиши бўлиб ўтди.

9 февраль — фазал мулкнинг султони таваллуд толган кун муносабати билан Покистоннинг «Pakistan Observer» ва «Itehad» газеталарида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар эълон қилинди.

Токиода Алишер Навоий ёдгорлиги пойга гулчамбар қўйиш маросими ўтказилди. Тадбир Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ва «Сока» университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ушбу кутлуг сана муносабати билан ёдгорлик ўрнатилган «Сока» университети марказий майдонида мазкур олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари тўпланди.

Маросим чоғида сўзга чиққанлар истиклол йилларида юртимизда Президент Исрол Каримов раҳнамолигида ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва миллий қадриятлари қайта тикланиб қарор топгани, буюк олим ва файласуфлар меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Алишер Навоий шеърини туркий тилини назмий жиҳатдан юксалтирди ва нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар адабиёти ривожига улкан таъсир кўрсатди. Буюк давлат арбоби, файласуф ва шoir ҳаёти ҳамда ижоди Шарқдаги кўплав авлодларга ўзига хос

намунага айланди. Тадбирда қайд этилганидек, Алишер Навоий ижодидаги инсонни бағрикенглик ва меҳр-оқибатга чорлаш 120дан ортқ турли миллат ва элат вакиллари тинч-товуликда ҳаёт кечираётган Ўзбекистон жамоиятида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

«Сока» университети халқаро департаменти директори Хиротомо Тераиши ўз нутқида буюк шoir шарафига номланган Навоий шаҳри ўзбек халқидеги шижоат, меҳнатсеварлик ва қарамонликнинг ўзига хос тимсоли эканини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан у улуг аллома Алишер Навоий хотирасини абадийлаштириш ва унинг бой меросини кенг тарғиб этиш борасидаги хизматлари учун «Сока» университети асосчиси, «Сока Гақкай Интернэйшнл» жамоияти президенти Дайсаку Икеда 2007 йилда «Навоий шаҳрининг фахрий фукораси» дипломи билан тақдирланганини қайд этди.

Жамоатчилик билан алоқалар бўйича департамент директори Коки Эзаки буюк шoir ҳамда мутафаккир Алишер Навоий ижодида дўстлик ва ўзаро ҳурмат, яхшилик ва раҳм-шафқат каби энг эзгу қадриятлар тараннум этилганки, бу «Сока Гақкай Интернэйшнл» жамоияти гоғларига ҳамоҳангдир, дея таъкидлади. Шу маънода у ўзбек халқининг атоқли фарзанди Алишер Навоий ҳайкали «Сока» университети бош майдонини мунособат тарзда безаб турганидан фахр ва ифтихор ҳиссини туйётганини билдирди.

Москва шаҳридаги Добринин майдонида бундан олти йил муқаддам Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилган эди. Ҳар йили ушбу майдонда буюк шoir ва мутафаккир таваллуд толган сана муносабати билан унинг сермазмун ҳаёти ва умрбоқий ижодини ёд этиш аънана тусини олган. Жорий йилнинг 9 февраль кунини ҳам бу ерга Россия жамоатчилиги, мамлакат пойтахтида таҳсил олаётган ва истиқомат қилаётган юртдошларимиз ҳозир бўлдилар.

— Алишер Навоий сиймоси Марказий Осиё халқлари учун рус халқининг Пушкини сингари гоғтада ардоқлидир, — дейди «Россия-Ўзбекистон» жамоияти бошқаруви раиси Игор Круговых. — Навоий ижодида ифода этилган эзгу гоғлар бугунги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

И.Круговых ҳайкал қад ростлар хиббонини янада ободлаштириш ва бу ерга таширф буюрувчи ҳар бир инсоннинг баҳри-дили очилдиган ўзбекона файзли бир гўшага айланатиришдек хайрли ишларга эътибор қаратиб, бир неча йил бурун Ўзбекистондан олиб келиб ўтқазилган аjoyиб тераклар хиббоннинг гўзал манзараси билан уйғунлашиб, буюк шoir ёдгорлигига ўзига хос шукўх бахш этиб турганини таъкидлади.

«Жаҳон» АА



Қарор ва ижро

АХБОРОТ - КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ ЖАҲОНДА. КИТОБ ИНСОНИЯТНИ МАЪНАВИЙ КАМОЛГА ЕТАКЛОВЧИ БИТМАС-ТУГАНМАС МАЪНАВИЙ ХАЗИНА, БИЛИМ МАНБАИДИР. ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА ЁШЛАРИНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ЎТИР ЗЕҲЛИ, ИЛМИ БЎЛИБ КАМОЛГА ЕТИШЛАРИДА ЗИЁ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ САНАЛМИШ КУТУБХОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ БЕКИЁСДИР. АЙТИШ ЖОИЗКИ, БУГУНГИ КУНДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 21 ИЮНДАГИ «РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСINI АХБОРОТ-КУТУБХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БОРАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ ҚЎЛМАДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган семинар-кенгаш ҳам мазкур Қарор ижросига бағишланди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташаббуси билан мазкур кутубхона ҳамкорлигида «Ҳозирги босқичда ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида ўтқазилган семинар-кенгашда шаҳримиздаги корхона ва ташкилотларга қарашли кутубхоналар мудирилари ҳамда олий ўқув юртлари ва коллежалардаги ахборот-ресурс марказларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Анжуманда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Ирина Маминова — «Кутубхоначилик ишлари ислоҳ этишда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг роли», мазкур кутубхонанинг автоматлаштириш бўлими мудири Нурали Мардиев — «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот технологияларининг жорий этилиши», кутубхонанинг илмий-методика бўлими бош кутубхоначиси Умида Ташбаева — «Кутубхона наشرларининг таъдироти» мавзусида ва бошқалар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

— Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Касаба уюшмалари кутубхоналари фаолиятини тақомиллаштириш масаласига бағишлаб ўтқазилаётган ушбу семинар яхши ишнинг бошланиши сифатида аҳамиятлидир, — дейди «Касаба уюшмалари кутубхоналаридан фойдаланувчилар билан ишлаш» мавзусида сўзга чиққан Тошкент Давлат маданият институтининг «Библиография ва фондлар» кафедраси ўқитувчиси Зуҳра Бердиева. — Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги Қароридан сўнг кутубхоначилик тизимида ислохотлар юз бериб, уларга бўлган эътибор ортди. Қарорда янгидан ташкил этилган ахборот-кутубхона ва таълим тизимида ташкил қилинган ахборот-ресурс марказлари олдида қўйилган муҳим вазифалар бошқа муассасаларга қарашли барча кутубхоналар учун ҳам тааллуқлидир. Аҳоли турли қатламларининг ахборотга, билим олишга бўлган талаб ва эҳтиёжларини замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тез ва самарали қондириш, уларнинг дунё ахборот оламига чиқиб боришига йўл очиб бе-

риш, мунтазам билим олишига, мустақил ўқишларини ташкил этишга, шу билан бирга ҳар бир ёшнинг ижодий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатиш, мақсадли ахборотни қидириш, тўплаш, сақлаш ва ўз истеъмолчисига етказиб бериш билан самарали ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши ташкил этиш талаб этилмоқда. Кутубхонада



бажариладиган ҳар қандай ички фаолият турлари, уларнинг қанчалик сифатли ва тўғри ташкил этилиши кутубхоналарга, истеъмолчиларга шунчалик самарали хизмат кўрсатишда акс этади. Бундай масъулиятли ижтимоий, шу билан бирга педагогик ҳамда психологик мазмунга эга бўлган вазифани бажариш учун нималар зарур? Биринчидан, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, замонавий ахборот технологияларига, хизмат давомида кутубхона ходими ва китобхоналар учун зарур техника воситаларига эга бўлмасдан туриб, бу вазифаларни амалга ошириб бўлмайди. Шу маънода Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида ташкил этилган 14 та ахборот-кутубхона марказларининг бир йил давомида энг замонавий 254 та компьютерлар, сканерлар, нусха кўчирувчи аппаратлар, кондиционерлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлангани юқоридаги Қарор ижроси йўлида бажарилган ишларга мисолдир.

Анжуман сўнгидеги иштирокчилар кутубхона заллари бўйлаб саёхат қилиб, берилган анкета саволларига жавоб бердилар. Қизгин мунозаралар, тақлифлар ва фойдали мулоқот тарзида ўтқазилган семинар-кенгаш йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган анжумандан лавҳалар. Қозим Ўлмасов олган суратлар

МУЗЕЙ ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

МАКТАБДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ҲАР БИР ТАДБИР—ИЖОДҚОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ, ОЛИМЛАРИНИНГ МАЪРИФИЙ СУҲБАТИ, БУЮК БОБОЛАРИМИЗ АДАБИЙ МЕРОСИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ ВА АДАБИЙ-МУСИҚАЛИ КЕЧЛАР ЎҚУВЧИ ЁДИДА УЗОҚ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ. ҚОЛАВЕРСА, УЛАРИНИНГ ДУНЁҚАРАШINI ОШИРИБ, МАЪНАВИЯТИНИ БОЙИТИБ БОРИШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ БЎЛГАН БУНДАЙ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ КАТТА.

Яқинда Юнусобод туманидаги 274-мактабда филология фанлари доктори, профессор, Бегуний мукофоти совриндори Наим Каримов ва Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Жаннатхон Исмоилова билан тумандаги тарих фани ўқувчилари, ўқувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Иштирокчилар Наим Каримовнинг Боту, Ойбек, Чўпон ҳақидаги хотираларини тинглаб, маърифатпарвар, асримиз бошида Германияда таҳсил олган илк қалдирғочлар билан ҳам танишдилар. Шунингдек,

олим совға қилган китобларни бажонидил ўқиш истагини билдиришди. Жаннатхон Исмоилова пойтахт ва чет эл музейлари, муҳим тарихий саналар, Жанубий Кореядаги «Болалар музейи»дан олган таассуротларини сўзлаб берди. — Сеул шаҳрида «Фольклор» болалар музейи бўлиб, у ерда болалар ҳамма экспонатларни «кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб» хис қилиш имкониятига эга, — деди Жаннатхон опа. — Богча ёшидаги кичкинтойлар эрталабдан тушликкача музейда бўлиб, ҳамма нарсани кўриб, тасаввур



оламини бойитида. Биз ҳам шундай музей, ҳеч бўлмаганда бўлим очилиш ниятидамыз. Ўқувчи ва ўқитувчилар Сеулда ҳамда шаҳримиздаги музейлар фаолияти билан слайдлар, буклет ва суратлар орқали танишиб, маънавий оламларини янада бойитдилар. Кутубхонага тақдим этилган «Ўзбек миллий тиббослари», «Боту», «Улар Германияда ўқиган эдилар» ва бошқа китоблар меҳмонлардан эсдалик бўлиб қолди.

Учрашув сўнгидеги меҳмонлар — мактаб директори Сайфулла Маҳамов, маҳалла фаоллари —

Маҳмуда ВАЛИЕВА СУРАТДА: 274-мактабда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа

Тафаккур гулшани

ОТА-ОНА, УСТОЗ ВА ФАРЗАНД ҲАҚИДА

Онани авайлаб-асранг, у дунёда тенги йўқ бебаҳо бойлиқдир.

Каъбани тавоф этишдан олдин, Онани тавоф эт.

Отани эъозланг, ҳурмат қилинг. У барча орзу-умидларини сиз туфайли қўришни истайдиган ва бу йўлда ўзини бағишлаган улуг зотдир.

Ота фарзандининг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз унга сабоқ бериб, шогирд мақомини осмон қадар кўтарди.

Ота-онанинг фарзандига бўлган меҳри кўш нуридек исиж, ой нуридек шафқат, булоқ сувидек мусаффо ва беғарздир.

Ота-она ҳаётимиз кўчининг кўеши, тунининг ойна бўлиб, қалбимиз, ҳаётимизга иссиқлик ва ёруғлик нурини бериб туради.

Яхши ота-она бўлишининг энг муҳим шартини яхши инсон бўлишидир. **ШУКУР ТЕМУРОВ**

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Мисрлик олим Исама Жобир қанд касалини даволашда янги усулни қўллашни тавсия этди. Американиннг Теннеси штатидаги Мемфис университети тиббиёт факультетининг инсон аъзоларини кўчириш кафедрасининг мудири доктор Исама Жобир қанд касаллигига дучор бўлган хасталар ораганида табиий инсулин моддасини ажратиш билан боғлиқ янги усулни муваффақиятли қўлай бошлади. Бу усул ошқозон ости безида инсулин ажратиб чиқаришга хизмат қилувчи «Лангерхен ороллари»ни бемор организмига кўчириб ўтказиш билан боғлиқдир. Маълумки, мана шу оролчалар фаолияти бузилса ёки тўхтаса инсон қанд касалига мубтало бўлади. Янги услуб ошқозон ости безини кўчиришга кетадиган катта сарф-харажатга чек қўйди, айни чоғда у беморларда учрайдиган дармонсизланиш, ҳолсизланиш, хушдан кетиш сингари қатор ҳавф-хатарли ҳоллардан йироқ. Чунки мазкур оролчалар инсон организми учун оз эмас, кўп ҳам эмас балки керакли микдорда инсулин ажратиб чиқаради.

● Индонезиянинг унча катта бўлмаган Барбар оролининг маҳаллий аҳолиси почта марказларини тан олмайди. Улар марка ўрнига хат-жидда қўшларнинг ранг-баранг ялтироқ патларини елимлайдилар. Қизғини шундаки, ана шундай маркали мактублар манзилига тўлиқ етиб боради ва ҳеч қандай қўшимча тўлов талаб этмайди.

● Ҳеч бир гул тури халқлар адабиёти, тасвирий санъат ва маданиятига атиргул каби кучли таъсир этмаганлиги аниқ. Қадимий христианлар атиргулни гуноҳкорлик тимсоли деб билганлар. Сабаби, йўқса шундай қўрқам гулга тиканлар нима учун ато этилган деб ўйлашган. XX асрга келиб олимлар атиргул мевалари таркибида (барча атиргулдошлар ўсимликлар каби мева қилади) ўрта ҳолдагидан тўрт марта қўп С дармондориси мавжудлигини аниқладилар. Бундан ташқари атиргулнинг ёввойи турдоши бўлмиш — наъматак меваси дамламаси ва мойининг шифобахш хусусияти барчага аёндыр.

● Америкалик геолог олим Дональд Бердининг фикрига қараганда келажакда ой бутун космонавтикани кислород билан таъминлаб турадиган манба бўлиб қолади. Кўёш тизимида учувчи космонавтлар, ракета ва аппаратлар ер йўлдошидаги тўлдириш станциялари хизматидан фойдаландилар. Олим ўз фикрларини ойдаги минералларнинг улкан қисми кислородли бирикмалардан ташкил топганлиги ва келажакда улар қайта ишланганда ажралувчи кислороднинг катта микдорни келтириб чиқаришида исботлаган. Амортит, оливин, анортозид, балзит кабилар нафақат кислороднинг, балки темир, никель, кобальт, алюминий, мағний, кремний ва титанларнинг ҳам хом ашёси бўлади. Минераллардан кислород билан металлари ажратиш учун зарур энергияни қўшдан олиш кўзда тутилади.

● Гёттингенлик немис шифокорлари 50 ёшдаги Штейн Грехт исми беморнинг учта бирдай яроқсиз ички аъзоларини алмаштириб, ажабланарли операция ўтказди. Донор топилмаганлигидан Штейн 11 ой касалхонада тўшақда ётди. Унинг бахтига кўра охири-оқибатда инсулт билан касалланган бир бемор, ой кунини битишини сезгач, донорликка рухсат берган. У нариги дунёга отланиши билан оқ халатлилар саҳий ўликнинг керакли аъзоларини олиб, Грехтнинг танасига ўтказишга киришди. Умрининг ярим асрини орқага ташлаб улгурган 13 соатга таваккал билан қилинган операция 17 соатга қўзилиб, муваффақиятли якунланди. Штейн Грехтнинг ҳали ризки-насибаси бор экан. Унинг ички аъзоларга ўтқазилган ўзга аъзолар бегоналик қилмапти.

● Америка Қўшма Штатларида оламнинг сон-саноксиз гаройботларидан бири — 33 ёшли уч оёқли йигит — Хосе Мария Лопес ушайди. Одамларни ҳайрон қолдирадиган унинг ўзгалардан фарқи шундаки, унда одамларникидек иккита эмас, уч оёғи борлигидир. Хосенинг учинчи оёғи у дунёга келиши биланок чоп оёғи тиззасининг остки томонида пайдо бўлиб ўса бошлаган. Мексикалик шифокорлар дастлаб ортқ аъзо пайдо бўлган чоп оёғини сонгача қесиб ташлашни тақлиф қилишган. Бирок, бунга болақайнинг онаси қаршилиқ билдирган. «Бир оёғи кам бўлганидан кўра ортқ бўлгани яхши. Учинчи оёқ ҳеч қандай халақит бермайди», деган ваҳ айтиди у.

Вақт ўтиши билан тўрт панжали ортқ оёқ ўсиб-улғайиб узунлиги 15 сантиметрга етганда оғрий бошлайди. Кийим кийишда, қўпчилик билан аралашувда, юриш-туришда, ҳар хил тўсиқликлар кўрсата бошлайди. Қисқиси 30 ёшга етгунча Хосе Мария Лопес учинчи оёғининг азоби-ни тарта бошлайди. Сарф-харажатнинг камлигидан, ҳақини тўлай олмаганидан унга мураккаб, текин операция қилишга ҳеч бир жарроҳ розилик бермаган. Шундай бўлса ҳам ҳаётининг 33 баҳоридеги унга омад қилиб боқди. Калифорниядаги «Уитрр» маркази шифокорлари текин операция, тўғриси айтганда, эксперимент ўтказишга қарор қилишди. Шундай қилиб оламдаги айрича ҳамда мураккаб операция муваффақиятли ўтди. Ҳозир Хосе Мария Лопес ўзини ўзга одамлар каби эркин сезади.

● «Менинг олтиним» кўпчилик эркаклар ўз сеvimли аёлларига шундай мурожаат қилаётганларидеги уларнинг бу меҳр тўла сўзлари ҳақиқатга нақадар яқинлигини хатто хаёлларига ҳам келтиришмайди. Замонавий аёл организмидеги миллион хил турли моддаларнинг қарийб 2,64 қисми олтиндан иборатдир. Бу эркаклардаги қисман нисбатан 5-6 баравар кўп. Москвадаги кимё-технология институтининг шундай хулосага келган олимлари рафиқаларининг кимматбахолиғи сабабини ҳозирча изоҳлаб беришга олмапти. Лекин вақти келиб албатта фан ушбу жумбоқни ҳал қилади.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Камчилик, афзаллик бир эмас, лекин, Одамда иккисин топтоқ ҳам мумкин.

Дардинг ёвга айтма ҳеч сирдош бўлиб, У "лохавло" ўқир севиңча тўлиб.

Сўзла жавобига чидолсанг ўзинг, Арпа экиб, бугдой кўрмагай кўзинг.

Кимда йўқтур ақлу ҳиммат, тадбир, рой, Тўғриси, мардумдан холи бу сарой.

Бир кесақдан лойқамас азим дарё, Ариқча экан-ку, зудранж бу доно.

Шикорда тарбият топаркан фарзанд, Тап тортмас дуч келса жанга ҳам ҳарчанд.

Кўлингдан келса, ширин қил ўзгалар
Оғзин ҳамон,
Оғзига мушт туширишни этмагил мардлик
гумон.

Суворий жанг маҳали кўрсатаркан орқасин,
Ўзин эмас, ўлдирар ботирларнинг қанчасин.

Кимки ўз аҳлига эмас вафодор,
У на донишманд, на дўстга фидокор.

Завқи жаҳондин йироқ дўстан айру яшамок,
Нихон ўтда қолмишдир дуд ичра бошим
бу чок.

Оқса ҳам минг турли мева, нозу неъмат
шарбати,
Фойдада афзалдир ундан дўстларнинг
субҳати.

Айбимни хунар тушунса дўст-ёр,
Дўстлик нимадир, тушунмас зинҳор,

Нолойқ ишим ошиб, бу дўстлик
Ҳаддидан ўтиб, бўлурман агёр.

Гар иш ақлу тадбир билан ҳал бўлур,
Яраш ёв билан жангдан афзал эрур...

Урушни бурун бошлаган чоқда ёв,
Гуноҳор ўзи — қир уни беаёв.

Карам дастурхонин ким ёзди, эй дил,
Карам оламида номдор, билгил.

Олиҳиммат кўлида молу дунё турмас, у —
Ошиқ дилида чидам, ёки галвирдаги сув.

Менингсиз авжга минса ишлари бас,
Бирор сўз айтмагил унга ярашмас.

Нокасга қувват берма — ошади сурбетлиги,
Бўри тиши қанча тез — шунча қонхўрдир ёвуз!

Ишонма ёмон қилса ширин мақол,
Асалга захар қотмоғи эҳтимол.

Устанд кўринганчамас ҳар нарсанинг ичи ҳам,
Баъзи ширин нарсанинг ўртасида захри жам.

Мардумозордан бадбахтрoқ ким бор?
Мушибатда қолса, ким бўлади ёр?

Мазлум озорига мойил бўлмағил,
Халқ дили дудидан гоғил бўлмағил.

Раҳмдиллик одамда олий хулқ, аммо,
Дилозор ярасига қўймагил малҳам.

Айлама раҳм-шафқат илон хайлига,
Бу ишдан озор топур фарзанди одам.

Маъшуқа висоли бўларкан йироқ,
Лозим дийдорига яхшилаб тўймоқ.

Сен пок бўлу ҳеч кимсадан кўрқма, биродар,
Кир либосин тошга уриб, ювар кирчилар.

Кимнинг пок бўлса ҳисоби,
Кўрқитолмас уни ҳисоб-китоби.

Шодлиқнинг шеваси қарамдир, қарам,
Ҳаётнинг меваси қарамдир, қарам.

Кўп ваҳима сўзлар ёлғончи газоф,
Танбур боши бўш-да, уради кўп лоф.

Аввал ўйлангиз, сўнгра сўйлангиз
Девордин аввал кўйилур негиз.

Нечун сўзлай, сўзламаган яхши он,
Оғизда тил бошга эрур посбон.

Қаноатни қўлга киритолсанг, эй дил,
Ором дунёсида ўзинг сарвар бил.

Тунда йўл юрмасанг, билгил,
Кундуз босолмасан мазгил.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

БҮЮК МУТАФАККИР ВА БЕНАЗИР ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 567 ЙИЛЛИГИ ШАҲРИМИЗДАГИ БАРЧА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ҚАТОРИ ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА ҲАМ КЎТАРИНКИ РУҲДА НИШОНЛАНДИ.



КОЛЛЕЖДА АДАБИЙ КЕЧА

Тилшунослик кафедраси томонидан уюштирилган адабий кечада ўқувчилар буюк шоир ижодидан илҳомланиб, асарларидан намуналар, ғазалларидан байтларни ёддан ўқидилар. Жумладан, Иқтисодиёт бўлимининг Бухгалтерия ва менежмент гуруҳи ўқувчилари Навоий «Хамса»-сидан ўрин олган «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Сабъаи сайёр» дostonларидан сахна кўринишларини тайёрлаб тадбирга йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. «Баҳру байт» шариhi бўйича ҳам ҳар иккала гуруҳ ўқувчилари ғазалларни ёддан ўқийиб, ўз истеъдодларини яна бир қарра намойиш қилишди.

Таъкидлаш керакики, ўқув масканининг ўзбек тили фани ўқитувчиси М.Эргашеванинг саъй-ҳаракатлари билан безатилган сахнада ўқувчилар ўзларини худди буюк мутафаккир яшаган давр муҳитига тушиб қолгандек ҳис этишди ва бундан илҳомланиб ўз бадий иқтидорларини кўрсатишди.

Кечада фаол қатнашган ўқувчилар коллеж маъмурияти томонидан мақтов ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

К.НАСРИДДИНОВА, коллежнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа. Қозимжон Ўлмасов олган сурат

Тадбирлар

ЖИСМОНИЙ ВА МАЪРИФИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

АНА ШУНДАЙ ШОИР ОСТИДА ШАҲРИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ СПОРТ КОЛЛЕЖИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Бугунги кунда мазкур даргоҳда 750 нафар ўғил-қиз спортнинг йигирма уч тури бўйича ўз маҳоратини оширмақда. Халқаро миқёсда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган мамлакат ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларининг кўлаб номзодлари ҳамда аъзолари ҳам айнан шу ерда таҳсил олишади. Айни пайтда коллежда ёшларни иқтидорли спортчилар қилиб тарбиялаш билан биргаликда уларни маънан баркамол инсон бўлиб улғайишлари йўлида қатор маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш аныанага айланган.

Куни кеча коллежда «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» шиори остида ўтказилган тадбир ҳам ёш авлод ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш ва гиёванд моддалар тарқалишининг олдини олишга бағишланди. Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ва туман ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирни коллеж директори Мурод Алиев кириш сўзи билан очди ва давлатимиз томонидан бу-

гунги кун ёшларининг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб воёга етиши йўлида амалга оширилаётган кен қамровдаги ислохотлар ва яратилган шарт-шароитлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Гиёвандликнинг салбий оқибатлари ҳақидаги ҳужжатли фильм намойишидан сўнг, Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содиқова сўзга чиқиб, айрим ёшлар ўртасида жиноятчилик содир этилаётгани, гиёвандлик моддалари истеъмол қилиш ҳоллари учраб тургани, бу эса баркамол авлоднинг тарбиялашда, иқтидорли ёшларни камол топтиришда салбий оқибатларга олиб келишини айтир экан бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишда биргаликда иш олиб боришга йиғилганлар эътиборини қаратди.

Айниқса, Чилонзор туман ИИБ инспектори, майор Исмоил Зокировнинг жиноятчилик ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақидаги маърузаси ўқувчи-ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида тегишли маълумотларни олдилар.

Эркин ХОЛБОБО

Спорт



ЁШ ИҚТИДОРЛАР БАҲС ЮРИТДИ ШАҲРИМИЗДАГИ ШАХМАТ КЛУБИДА 10 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Турнирда ўз ёш тоифалари бўйича бугунги кунда энг кучли ҳисобланган 14 нафар қизлар галаба учун кураш олиб борган бўлса-да, фақат уч шахматчиға рақиблирини ортда қолдирган ҳолда 8 тадан очко тўплаб етакчилар сафини бошқариш насиб этди. Ушбу етакчилар Рената Режа-

нишига тўғри келди.

Шу тариқа самарқандлик шахматчи қиз Р.Режапова ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан ўрин олган бўлса, Фарғона вилояти вакили Гулруҳбегим Тоҳиржоновга кумуш медалга насиб этди. Тошкентдаги 107-мактабнинг биринчи синф ўқувчиси Комила Собировва эса бронза нишонини қўлга киритди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: республика чемпионати баҳсларидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

ГОЛИБЛАР

ТАҚДИРЛАНДИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИДА ЁШЛАР ВА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ЮНОН—РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган юздан зиёд спортчилар голиблик учун гиламга чиқдилар. Сақкиз вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда Фарғона, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро вилоятлари спортчилари ақсарият совринли ўринларни эгаллашди. Бундай нуфузли мусобақаларда юқори натижаларни қайд этишга одатланган спортчилардан В.Боқижонов (50 килограмм), С.Жумашева (55 килограмм), Д.Орипов (66 килограмм), Ж.Мўминов (14 килограмм), В.Алиев (96 килограмм), С.Хожиев (120 килограмм)лар ўз вазн тоифалари бўйича шохсупанинг юқори погонасидан жой олган бўлсалар, М.Исоқов (50 килограмм), И.Шодмонов (60 килограмм), Р.Санжаров (84 килограмм) кумуш медалга билан қифояланишди. Икки кун давом этган мазкур мусобақа голиблари шу йилнинг март ойида, Пекин—2008 Олимпиада ўйинларига йўлланма олиш учун Кореяда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига катнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Чемпионат якунида голиб ва совриндорлар тақдирланди.

Аброр МЕЛИБОЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 29 февраль куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказилган очик аукцион савдоларига қўйидаги мулк бошланғич баҳоси пасайтирилган ҳолда **КАЙТАДАН ҚЎЙИЛМОҚДА:**

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2007 йил 29 июндаги ЖСК 1-361-сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Нукус кўчаси, 2-уй манзилида сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 11 У 5857 бўлган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси -10 374 880 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилири ишларида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода катнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориди зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкиди, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р. 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилишиңиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси қошидаги Малака комиссияси қарорига асосан Сергели туман 3-сон давлат нотариал идора нотариуси Дамин Халияровга 2001 йил 5 июлда берилган TN 000151 рақамли нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши вақтинча тўхтатилди.

2008 йил 21 мартдан 1 апрелгача

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

2008 йил 21 мартдан 1 апрелгача

мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунлари **«СУВДАГИ ЦИРК»**

ДАСТУРДА: Ёш манеж усталари, қувноқ масҳарабозлар, шунингдек, ўргатилган ҳайвонлар — тимсоҳ, илонлар, маймунлар, кучукчалар, каптарларнинг чиқишлари. Фаввораларнинг бетакор отилиши **ЧИПТАЛАРНИ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!** Томшалар соат — 12.00, 14.00, 16.00 ва 18.00 да бошланади. Ҳақ ҳар хил усулда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г-106

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишиңиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақфаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ашқидорлиқ компанияси боноҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3456